

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 23 ноябрь  
сешанба  
№ 47 (1303)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ  
ХОДИМЛАРИГА ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛГАН?

2-БЕТ

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАН  
МАНСАБДОРЛАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ

3-БЕТ



Тимо́ти ТОРЛОТ:

Ўзбекистон бугунги кунда ёшларнинг

## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОСИНИ

ҳал қилишдаги иштирокидан фойдаланиб,  
таълимга эътиборни кучайтириши керак!



4-БЕТ

### СУБСИДИЯЛАР

мансабдор шахслар  
томонидан ўзлаштирилган!



5-БЕТ

Даъвогарнинг жавобгарга  
айланиши ёхуд

### ПАЛАТА НЕГА ПАНД ЕДИ?



7-БЕТ

Аёл ўғирлик  
қилса...

6-БЕТ

## ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ХОДИМЛАРИГА қандай вазифалар юклатилган?

МАМЛАКАТИМИЗДА давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 29 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан қонун устуворлигини таъминлашга янгича ёндашилмоқда. Республикаимизнинг барча туман (шаҳар)ларида юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ташкил этилиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш борасида муҳим қадам бўлди.



Мазкур Қарорга мувофиқ 2021 йил 1 октябрдан барча туман (шаҳар)ларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурда юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Қарорга кўра, юридик хизмат кўрсатилиши белгиланган давлат органлари ва ташкилотларига бепул юридик хизмат кўрсатиш тартиби белгиланди. Марказларга давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар)лардаги бўлинулари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, уларга сифатли ва маалаки юридик ёрдам кўрсатиш, ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш каби муҳим вазифалар юклатилди. Шунингдек, белгиланган давлат органлари ва ташкилотларининг мулкий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўриб бориш вазифаси топширилди.

Туман, шаҳарлардаги юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг рўйхатига қiritилган айрим ташкилотлар фаолиятига таҳлилий назар ташлайдиган бўлсак, уларда мавжуд бир қатор камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан, ирригация, ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш, қурилиш бўлими ҳамда ободонлаштириш бошқармалари тизимида илгари юридик хизмат ходими шгит бирикликлари мавжуд бўлмаган. Бу ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмай, қонун нормаларига зид бўлган ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Ваколатли органларнинг ўрганишлари натижасида ана шундай қонунбузулиш ҳолатлари аниқланиб, масъул шахсларга нисбатан тегишли таъсир чоралари кўрилишига сабаб бўлаётган эди.

Юридик хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилгач, ушбу ташкилотлар ҳам эркин тарзда бепул юридик ёрдам олиши, ўзлари томонидан ишлаб чиқилаётган бўйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини қонунийликка мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Энг

асосийси, келгусида қонунбузулиш ҳолатларининг вужудга келишига чек қўйилди.

Юридик хизмат кўрсатиладиган давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш жамиятнинг долзарб масалаларидан бири бўлгани боис маркази ходимлари зиммасига асосий вазифалардан бири сифатида ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш вазифаси ҳам юклатилди.

Ортиқча қоғозбозлик ва ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида юридик хизмат кўрсатиш маркази билан ташкилотлар ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш бўйича “Е-Нuqushunos” электрон тизими ишга туширилди. Мазкур электрон тизим юридик марказлар ҳамда ташкилотларнинг ўзаро иш фаолиятини боғлаб турувчи техник восита бўлиб, ошқораликни ва шафқатликни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Электрон тизим ички буйруқ, шартномалар ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатларнинг намуналарини киритиш ҳамда мавжуд ҳужжатлар лойиҳалари намуналаридан эркин фойдаланиш, ҳар қандай ҳужжат лойиҳаси ва унга таҳлилий материаллари тайёрлаш, қайта ишлаш ва ҳулоса олиш учун марказларга юборишга хизмат қилади. Мазкур тизим ўзаро ҳужжат алмашиш, давлат ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тизимга бириктириш, уларни таҳрир қилиш, материалларни электрон тизим орқали алмашиш каби кенг имкониятларни яратиб берди.

Бундай янгича қараш, янгича ёндашув, янги тизимнинг жорий этилиши келгусида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлайди, албатта. Жойларда юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ташкил этилганлиги мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрта ва куйи бўғинда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, уларга сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатишга қаратилган ислохотлар самарасидир.

**Фарҳолжон ДҮЛТАЕВ,**  
Учкўприк тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

## ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Агар мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан хозирги кунга қадар амалга оширилган ислохотлар натижасига эътибор қаратадиган бўлсак, барча эришилган ютуқларимиз бевоқифа Конституциямиз билан боғлиқдир. Юртимизда инсон ҳуқуқлари, инсоннинг қадр-қиммати тобора мустаҳкам қарор топиб бормоқда. Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлатнинг талабларига ва мезонларига шунингдек, халқаро андозаларга тўла-тўқис мос келади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунийликка имплементация қилинаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги республикамизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин исботидир. Ўзбекистон Республикаси томонидан 1991 йил 30 октябрда ратификация қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тайёрлини ҳамда қабул қилинишида муҳим ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Унда ушбу халқаро ҳужжатнинг барча етакчи қондалари ўз ифодасини топди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдига мақсад қилиб олган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни давлатнинг бош вазифаси қилиб белгилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилганлиги, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 10 дан ортиқ асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланганлиги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари, қондалари ҳамда мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа миллий қонун ҳужжатларида ўзининг чуқур ифодасини топади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларациясининг 3-моддасига кўра, “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”. Конституциямизнинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” деб мустаҳкамланган ҳуқуқий норма амалда таъминлаш мақсадида 2008 йил 1 январдан жиний жазо тизимдан ўлим жазосининг чиқариш ташлаши инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган принциплари ва нормаларига ҳамда Конституциямизга тўла мос келади.

**2020 йил октябрь ойида мамлакатимиз миллий давлатчилигини тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.**

2020 йилнинг 13 октябр кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига кўпчилик овоз билан тарихда биринчи марта 3 йиллик муддатга сайланган мамлакатимизда Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ғоят кенг қўламдаги ишларнинг самарасидир.

Жаҳон конституциялари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги Европа маданияти икки гуруҳ конституцияларини вужудга келтирди. Биринчи гуруҳ конституциялари тарихан XX асрга қадар қабул қилинган эди. 1787 йилдаги АКШ Конституцияси бунинг аълоқ мисолидир. 1831 йилдаги Бельгия Конституцияси, 1874 йилдаги Швейцария Конституцияси ҳам бунга мисол бўла олади. XX асрга қабул қилинган конституциялар эса, иккинчи гуруҳни ташкил этади. Бу конституциялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш, Асосий қонунни муҳофаз қилиш, ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш натижасида конституциявий тартибга солиш қўламини кенгайтирилганлиги билан биринчи гуруҳ конституцияларидан фарқ қилади.

“Инсон ҳуқуқлари” тushunchasi илк бор конституциявий даражада

мустаҳкамлаиб, Асосий қонунимизнинг Муқаддимасидак ўз аксини топди. Шахсининг ҳуқуқий мақомига оид янги концепциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, у конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиб сифатида ҳар бир инсонни тан олади. Халқаро ҳуқуқнинг миллий-ҳуқуқий тизимларга таъсири мавжуд, албатта. Қўлгина конституцияларда халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган нормалари ва принциплари миллий конституциявий ҳуқуқнинг таркибий қисмига киради. Улар бир-бирига зид келса, халқаро ҳуқуқий нормалар устун келиши ёзилган. Халқаро ҳуқуқ принциплари билан мамлакатимиз мажмуи Конституциямиз матнига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари оид бошқа халқаро битимлардан, Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хатрияларидан олиб сингдирилган.

Қонун устуворлиги барча фуқаролар ва мансабдор шахсларга тегишли бўлиб, жамиятнинг тараққий этиб боришида, юксалишида ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Конституциямиз мустақиллик ғояси билан сугорилган бўлиб, жаҳондаги етакчи давлатларнинг конституциявий таърибаларига бутунлай мос келади. Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа умум-этироф этилган дахлсиз ҳуқуқлари Конституциямизда ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда давлат идораларида мурожаатлар билан ишлаш, халқимизнинг оғирини енгил қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Юртдошларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда. Бу борадаги ишларни янада жаддаллаштириш учун фуқароларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришимиз зарур. Zero, Конституция ва қонунларимизга ҳурмат туйғуси қарор топса, ҳаётимиз, жамиятимиз тубдан ўзгаради. Инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқади.

**Ҳақимали АЗИМОВ,**  
Тошкент давлат юридик унiversитети доценти

# АЛВИДО, ЯХШИ ИНСОН!

АЗИМ АКАМИЗНИНГ ОИЛАСИ, ФАРЗАНДЛАРИ, ЯҚИНЛАРИГА САБР ТИЛАЙМИЗ.



Бу дунё ўткинчи. Ҳаммамиздан ўтади. Омонат умрда шодлик билан ҳам ёнма-ён юради. Улим бор. Улим ҳақ. Буни ҳаммамиз биламиз, лекин унинг қачон келишини эса билмаймиз.

Соғ-саломат юрган, икки ярым соат олдин тахририят билан қувноқ оҳангда гаплашган, иш-режаларини айтиб, Худо хоҳласа, кейинги ҳафта кўришиб қоламиз, деб хайри-хушлаган инсоннинг ўлими ҳақида хабар келса нима қилишингни, нима дейишингни ҳам билмай қоласан. Улим ҳақ, ўлим ҳақ дейсан, деворга бош тираб.

Азим Қодир устоз журналист, адиб, меҳрибон ҳамкасб, тахри-

риятдагиларга сеvimли ака. Оиласига таянчу суянч, ҳаётда ўз ўрнини топган фарзандларидан бир ота каби кўнгли тўқ инсон. Ҳеч нарсадан ками йўқ эди. Ўғил-қизларини уйли-жойли қилиб, баридан “тиниб-тинчиган” Ота эди. Кўнгли тўлиб, юраги тўлиб-тошиб, сўзни ҳам увол қилмаган ижодкор эди. “Эди, эди...” дейвериш биз учун нақадар оғир...

Азим ака “нарги тузум”ни ҳам кўрган, ишлаган, ёшлаган-гидан суяги матбуотда қотган фидойи журналист, ўнлаб китобларнинг муаллифи сифатида ҳам танилганди. Айниқсан, мақолани содда, мўлжални

тўғри олиб, жайдарни ва халқона ёзардики, сарлавҳасини ўқиб-қўқиб исми-шарифига кўз ташламаёқ бу мақола Азим Қодирга тегишли эканлигини билиб олардик. Азим ака тахририятга кунора бир, бир ярим саҳифа мақола жўнатар, шиддат билан ишлар, ҳар кун эрталаб тахририятга кўнғироқ этишни қанда қилмасди.

Кимнинг тўйи ёки тадбири бўлса, акаимизнинг ўзи бош-қош бўларди. Тошкент шаҳридаги ёки вилоятда бўладиган мавлуд-маъракада Азим ака ҳозир нозир эди. Жамоадаги ёшларга ўзбекчилик, оқибат, одамийлик илмидан ҳам сабоқ бериб кетди.

Бугун шу йўловни ёзаркан-миз Азим Қодирнинг Самарқанд вилоятидан тайёрлаб жўнатган мақолалари тахририятга келиб тушганидан хабар қилишди. Ҳа, фидойи инсоннинг умри унинг меҳнати ва эзгу ишларида давом этаверади.

Газетамизнинг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири Азим аканинг ҳар кун эрталаб кўнғироқ қилишига ўрганиб қолган эканмиз. Бугун... бугун эса Каттақўрғондан кўнғироқ бўлмади. Жимлик. Бу жимлик жамоанинг қалбига оғирлик қилапти.

Устоз, охиратингиз обод бўлсин...

Тахририят

## ҲАВОЛИЯТ

узогини яқин қилмоқда. Шу кунга қадар “Чимён” ҳамда “Шоҳимардон” филиаллари орқали аҳолига 3 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

Давлат хизматлари марказларининг филиаллари нафақат тоғолди ҳудудлар, балки шаҳар ичида марказдан олиб қилинган давлат хизматлари ҳам ташкил этилмоқда. Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзесини ўзига хос сановатлашган ҳудуд дейиш мумкин. Бу ерда асосан йирик завод ва фабрикаларнинг ишчи ходимлари истиқомат қилишади. Уларнинг бўш вақти ҳам корхоналарнинг иш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ана шундай вазиятларни ҳисобга олган ҳолда Қирғулидаги “Нефтчи” маданият саройида Фарғона шаҳар Давлат хизматлари марказининг филиали ташкил этилди.

— Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Кундалик юмушлар билан яшаш жойимдан 11 км. узоқликдаги Давлат хизматлари марказига келиб-кетар эдим, — дейди “Қирғули” мавзесини истиқомат қилувчи Шарифжон Камолов. — “Нефтчи” маданият саройида ДХМ филиалининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Бу ерда маҳалла кутубхонаси, маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси, 2-сектор штаби, маданият саройи жойлашган. Ташкил этилган филиал 70 минг аҳоли жойлашган “Қирғули” мавзесини фуқароларнинг узогини яқин қилмоқда.

Ҳудудда ташкил этилган ДХМ филиали жисмоний ва юридик шахсларга мобил давлат хизматларини кўрсатиши билан аҳамият-лидир. Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилмоқда. Бу ерда ДХМда кўрсатиладиган 150 дан ортиқ хизматларнинг барчасидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Айтиш мумкинки, бугун давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот яқин босқичга кўтарилди. Халқнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш, қўлайлик яратишга қаратилган давлат хизматларини кўрсатишнинг янги тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланб улгурди. Айнан аҳолига қўлайлик яратиш ва одамларнинг узогини яқин қилишда эса, жойларда ташкил этилган ДХМ филиалларининг иш фаолияти айни муддао бўлиши шубҳасиз.

Соҳибжон ҚОДИРОВ,  
ДХА Фарғона вилоят  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари

ДАВЛАТ хизматлари агентлиги Тошкент вилоят бошқармаси доимий равишда амалиётга жорий этиладиган янги давлат хизматлари ҳамда уларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари юзасидан ваколатли идора ходимлари билан ҳамкорлик қилиб келади.

## Масъулиятни унутган мансабдорларга чора кўрилди



Қуни кеча ташкил этилган семинарда Давлат кадастрлари палатасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, Қурилиш бошқармаси, Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, “Тошкентгаз” ҳудудий газ таъминоти филиали, “Сувтаъминоти” МЧЖ ҳамда бошқа ваколатли идоралардан вакиллар иштирок этди.

Мазкур тадбирни ўтказишнинг мақсади, ваколатли идоралар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, жойлардаги муаммоларни бартараф қилиш юзасидан фикр алмашиш ва йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатларини муҳокама қилиб, уларга керакли ва тўғри йўналишлар бериш. Жорий йилнинг 9 ой мобайнида 41 та хизмат кўрсатувчи ташкилотларда 35 мартаба ўрганиш, 15 мартаба мониторинг ўтказилди. Вилоятдаги ваколатли органлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида 27 минг 638 та қонун бузилиши, шундан 27 минг 50 тасида мўддат бузилиши, 268 та ҳолатда эса мурожаатлар асосидан рад этилганлиги аниқланган. Шунингдек, 19 та ҳолатда ортиқча ҳужжатлар талаб этилган, 199 ҳолатда эса тўғридан-тўғри хизмат кўрсатилган.

Бу ташкилотлар кесимида таҳлил қилинганда, газ таъминоти ҳудудий филиали томонидан 4 минг 416 та, ҳокимликлар томонидан 5 минг 930 та, ер ресурслари ва кадастр хизмати томонидан 1 минг 481 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Шунингдек, 461 та ҳолатда электр таъминоти корхонаси, 1 минг 476 та ҳолатда қурилиш бўлими, 584 тасида солиқ органлари тизимида, 949 тасида соғлиқни сақлаш муассасалари, 173 тасида бошқа хизмат кўрсатувчи идоралар томонидан қонун бузилиш ҳолатлари кайд этилди.

Кадастр хизматини кўрсатиш бўйича келиб тушаётган аризалар ўрганилганда, кадастр вакиллари томонидан жойига қилмаган ҳолда ўрганилмаган, ўлчов ишларини амалга ошириши учун шароит яратиб берилмаган деган асосидан рад қилиш ҳолатлари аниқланган. Шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уларнинг борасида ҳам қонунбузилишлар содир этилган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан ваколатли идораларга 187 та оғохнома, 40 та тақдирнома ва 10 та жиноий тақлиф киритилди. Шунингдек, 211 нафар қонунни бузган ходимларга нисбатан маъмурий ҳуқуқ-бузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 135 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 12 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. 211 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Ўтказилган “Сирли мижоз” мониторинги тадбирлари домида қурилиш, кадастр ва экология соҳалари ўрганилиб, жами 7 та ҳолатда қўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Семинарда ваколатли давлат органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг тақомиллаштириш бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини доимий ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш, давлат хизматлари кўрсатилишини сифатли амалга ошириш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг тизимларга интеграциялаш жараёни катъий назорат қилиниши таъкидланди. Бундай мулоқотни доимий ўтказиб боришга келишиб олдик.

Илҳомжон АБДУСАТТОРОВ,  
ДХА Тошкент вилоят  
бошқармаси бошлиғи



Давлат хизматлари марказлари. Бу тизим халққа кўрсатаётган шаффоф ва қўлай хизмати билан яқин. Давлат хизматлари агентлиги аҳолига янада яқин бўлиб, фуқароларнинг дарду ташвишлари билан бирга бўлиш ниятида олис чўл ва тоғли ҳудудларда филиаллар ташкил этишга киришди.

## ДХМ қатнов қийин, чегара ҳудудларда ҳам очилмоқда

Ҳозирги кунда бундай марказларнинг сони мамлакат бўйича 92 тага етди. Хизмат моҳиятининг ўзи аҳолини бир ҳужжатни деб овоза қилмаслик, фуқароларга қўлайлик яратишдан иборат. Филиаллар ҳудуд одамларининг тақлифига мос кун ва вақтда ишлаётгани боис ҳам халққа манзур. Боиси, марказга тушиш учун узоқ йўл босишмайди, маблағ йўқотмайди, вақт сарфламайди.

Мамлакатимизда шундай худудлар борки, улар вилоят, ҳатто туман марказларидан анча олисда. Бу манзилларга бориш учун йўлнинг ўзида машинада юриб бир кунни кеч қиласиз.

2018 йилда Фарғона вилоятида бутунлай янги ташаббус илгари сурилди. Республикада биринчилардан бўлиб Фарғона туман давлат хизматлари марказининг қатнов қийин ва анклав бўлган худудлари — “Чимён”, “Ёрдон” ва “Шоҳимардон” МФИда ДХМнинг филиаллари ташкил қилинди.

Бу ташаббус тез фурсатларда республика миқёсда амалиётга жорий этилди. Бугунги кунга келиб Фарғонада ДХМ филиаллари сони 11 тага етди. Айни дамда Бешарик туманида “Раққон”, Учкўприк туманида “Оқ сув”, Бувайда туманида “Бувайда”, Фарғона туманида “Логон”, Қува туманида “Акбаробод”, Фурқат туманида

“Чекчувалдоқ”, Қувасой шаҳрида “Кўчқорчи”, Фарғона шаҳрида “Қирғули” филиаллари фаолият олиб бормоқда. Бу филиаллар томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида фуқароларга 40 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

214 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Фарғона тумани — қўшни Қирғизистон Республикасига ёндоқ ҳудуд. Туман таркибидаги “Шоҳимардон” ва “Ёрдон” МФИлари жойлашган худудни эса, қуруқликдаги орол дейиш мумкин. Сабabi, Шоҳимардоннинг тўрт тарафи ҳам қирғиз қардошларимиз чегара худуди билан туташиб кетган. Баланд тоғ ён бағирларида жойлашган бу туманда фуқаролар ва тадбиркорларга янада қўлайлик яратиш мақсадида “Шоҳимардон”, “Чимён” филиаллари ташкил этилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, қишнинг аёзли, ёзнинг жазирама кунларида юзлаб чакирим масофадан келадиган, айниқса, Қирғизистоннинг 50 км. худудини босиб ўтиб келадиغان фуқаролар учун айни муддао бўлди. Туман марказидан 46 км. узоқликда жойлашган Чимён худудидида Миндон, Хонқиз, Гулшан, Қўрғонтепа каби 9 та қишлоққа 100 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Давлат хизматлари марказининг “Сой-бўйи” МФИда жойлашган “Чимён” филиали эса, ана шу аҳолининг



ТОШКЕНТ

## Дизенфекторга ИШДАН БЎШАШ НАФАҚАСИ тўлаб берилди

ФУҚАРО Т.Ф.нинг Миробод туман санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан ишдан бўшаш нафақаси тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида Миробод туман санитария-эпидемиология назорат марказида дизенфектор лавозимида фаолият юритган Т.Ф.га ҳақиқатан ҳам ишдан бўшаш нафақаси тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Президентимизнинг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси қайта ташкил қилинган ва

штат нормативлари тасдиқланган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг 3-бандига асосан, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати унинг ҳудудий бошқармалари ва туман, шаҳар бўлиmlлари ташкил этилган.

Маъмур Фармоннинг 14-бандига асосан, санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилаётганлиги муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат

инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлиmlлари тугатилган.

Шу муносабат билан, Миробод туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан Т.Ф. билан тузилган меҳнат шартномаси, Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 109-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинганда ҳодимга барча ҳисоб-китоблар билан бирга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир ойлик ишдан бўшаш нафақаси тўлашни лозимлиги белгиланган бўлса-да, ҳодимга маъмур нафақа тўлаб берилмаган.

Юқоридаги ҳолат бўйича туман адлия бўлими томонидан фуқаро Т.Ф. фойдасига ишдан бўшаш нафақасини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг буйруғига асосан қардор Миробод туман Санитария-эпидемиологик осойишталик марказидан фуқаро Т.Ф. фойдасига 1 миллион 225 минг 859 сўм миқдорда ишдан бўшаш нафақаси ундирилди.

Илҳом ЮСУПОВ,  
Миробод туман адлия бўлими  
бошлиғи



НАВОИЙ

УЧКУДУҚ шахрида яшовчи фуқаро Г.Фахриева муайян даврда ишлаганлик учун кам устама иш ҳақи тўланаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

## ТАРБИЯЧИНИНГ ТАЛАБИ ТЎҒРИ ЧИКДИ



Аниқланишича, фуқаро Г.Фахриева МТТ раҳбарининг 2007 йил 17 январдаги буйруғига асосан, тумандаги 5-сонли мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинган. 2017 йил 31 мартдаги буйруқ билан ўз аризасига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинган, 2018 йил 22 январдаги буйруқ билан 1-сонли МТТга тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинган ва ҳозирги вақтгача шу лавозимда фаолият юритаётган бўлса-да, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 йил 15 августдаги қарори билан тасдиқланган “Учкудук, Зарафшон, Нурубод шаҳарлари ва шаҳар типидagi Зафаробод посёлкаси бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларига муайян даврда ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ устама тўлаб берилмаган.

Ушбу Низом 2019 йил 30 августда кучга кирганлиги инобатта олинган ҳолда Г.Фахриевага 2019 йил сентябр ойидан бошлаб муайян даврда ишлаганлик иш стажига 75 фоиз миқдорда устама тўлашни лозим бўлса-да, унга 1-сон МТТ мудираси томонидан тузиб, тасдиқланган ишчи-ҳодимларнинг иш стажига фойзининг рўйхатига асосан 25 фоиз миқдорда тўлов амалга оширилган, холос. Иш стажига қўшимча жами 6 миллион 587 минг 617 сўм миқдордаги тўлов эса тўлаб берилмаган.

Туман адлия бўлими томонидан тарбиячи Г.Фахриевага тўланмай қолган 6 миллион 587 минг 617 сўм миқдордаги қўшимча устама тўловни тўлашни ҳамда бундан кейин унга 0,75 фоиз устама тўлаб борилишини таъминлаш мақсадида туман мактабгача таълим бўлимига тақдимнома киритилиб, мурожаат ижобий ҳал этилди.

Маъруф УМРЗОҚОВ,  
Учкудук туман адлия бўлими бошлиғи



НАВОИЙ

НУРОТА туманидаги “Деҳибаланд” маҳалласида яшовчи 41 нафар фуқаронинг собиқ Шароф Рашидов номли ширкат ҳўжалигидаги пай улушларини ундириб беришни сўраб йўллаган аризалари туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

## 324 МИЛЛИОН СЎМЛИК ПАЙ УЛУШЛАРИ УНДИРИЛДИ

Мурожаатларни кўриб чиқиш давомида Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида қоракўлчилик қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликлари ва мастуляяти чекланган жамиятлар этиб қайта ташкил қилиш ва аукцион орқали қоракўлчилик ширкати мулкчини сотишдан тушган маблағлар биринчи навбатда қоракўлчилик ширкатининг кредиторлик қарзини қоплашга йўналтирилиши, маблағнинг қолган қисми ушбу ҳўжаликнинг пайчилари орасида уларнинг пайлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлашни кўрсатилган бўлса-да, фуқароларга пай улушлари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Шу боис, туман адлия бўлими томонидан 41 нафар фуқаронинг ширкат ҳўжалигидаги пай улушини ундириш бўйича Навбаҳор туманларо иқтисодий судига даъво ариза киритилиб, 324 миллион сўмлик пай улушлари ундириб берилди.

Умид СУВОНОВ,  
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи



БУХОРО

ВОБКЕНТ туманида яшовчи фуқаро С.И. “Вобкент туман сув истеъмолчилари” уюшмаси томонидан 4 ойлик иш ҳақи тўланмай келинаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

## УЮШМА ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, иш берувчи ташкилот — туман сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан нафақат мурожаат муаллифининг ойлик иш ҳақи, балки, уюшманин яна 40 нафар ишчи-ҳодимига ҳам жами 167 миллион 552 минг 422 сўм иш ҳақи тўланмаганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра “Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланган ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ҳукумат томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари

белгилаб кўйилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади” деб кўрсатиб ўтилган.

Шунга кўра, уюшма ишчи-ҳодимларининг тўланмаган иш ҳақини ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Пешку туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, суднинг тегишли буйруғига биноан қардор “Вобкент туман сув истеъмолчилари” уюшмасидан 41 нафар фуқаро манфаатида ҳисобланган, лекин тўланмаган 167 миллион 552 минг 422 сўм иш ҳақи ундирилиши белгиланди.

Жамшид ҚАНДОВ,  
Вобкент туман адлия бўлими  
бошлиғи

**ЖИЗЗАХ**  
**СУБСИДИЯ**

Субсидиялар  
МАНСАБДОР  
ШАХСЛАР  
ТОМОНИДАН  
ўзлаштирилган!

МИРЗАЧЎЛ тумани адлия бўлими томонидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг ўтган даврида соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва Қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳолати ўрганилганда, марказ ходимлари томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига кўра, субсидиялар — иш берувчиларга маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбага тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки уларнинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини

қоплаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан, штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида сугурта полиси ҳақини тўлаш учун, аҳолининг иқтисодий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахсларни иш ўринларининг белгиланган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга, жисмоний шахсларга енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, уруғликлар, кўчатлар, сугориш воситалари олиш учун ажратилиши, субсидияларни тақдим этиш тартиби қонун ҳуж-

жатлари билан белгиланиши кўрсатилган.

Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги “Томорқа ер эгаларини кўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ субсидиялар, тузилган уч томонлама шартномалар асосида енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача, сугориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача ва уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача кам таъминланган ва ишсиз фуқароларга ажратилиши белгиланган бўлса-да, марказнинг бир гуруҳ мансабдор шахслари томонидан ушбу субсидияларни ўзлаштирилган

ҳолатлари маълум бўлди.

Марказ мансабдор шахсларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида тўпланган ҳужжатлар жиний тақлиф шаклида Мирзақўл туман прокуратурасига тақдим этилди.

Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Мирзақўл тумани бўлими томонидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига нисбатан 72 миллион 168 минг сўмлик пул маблағини ўзлаштириш аломатлари мавжудлиги боис Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра, жиноят иши кўзгатилиши таъминланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Азиз АМИНОВ,  
Мирзақўл туман адлия  
бўлими бошлиғи



## Даъвогарнинг жавобгарга айланиши ёхуд ПАЛАТА НЕГА ПАНД ЕДИ?

**С**ИР эмаски, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга яқиндан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ривожланишига, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга, мамлакат аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ижобий фикрларни иқтисодий судларга тадбиркорлик субъектлари манфаатида киритилаётган ва қаноатлантириладиган даъво аризалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Лекин палатанинг айрим ҳудудий бошқармалари томонидан иқтисодий судларга тақдим этиладиган даъво аризаларининг барчасини ҳам бирдек асосли, сифатли, аниқ ҳисоб-китоблар билан қонун ҳужжатларини тўғри қўллаган ҳолда берилаяпти, деб айта олмаيمиз.

Қуйида одатда суд залида даъвогар томонда турадиган палатанинг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бу гал асосиз даъво киритганлиги учун ўзи жавобгар сифатида судда катнашганлиги тўғрисидаги низоли ҳолатни баён қилмоқчимиз.

### ДАЪВО ИШИ НИМАДАН БОШЛАНГАН ЭДИ?

Гап шундаки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят бошқармаси даъвогар — “Enter engineering ltd gtl” ҳамда қўшимча жавобгар — “Uzbekistan gtl” масъулияти чекланган жамиятидан 6 миллиард 972 миллион 420 минг 673 сўм ажратма қарз суммасини ундиришни сўраган.

Қарши туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 12 мартдаги ажримига асосан жавобгар норезидент ташкилот бўлганлиги сабабли ишни кўриш тегишлилигига кўра Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига ўтказилган.

Мазкур суднинг 2021 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, қўшимча жавобгар — “Uzbekistan gtl” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар — Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фойдасига 6 миллиард 972 миллион 420 минг 673 сўм ажратма пули ва суд харажатлари ундирилган.

### АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ ВА КУТИЛМАГАН “НАТИЖА” ...

Қўшимча жавобгар — “UZBEKISTAN GTL” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатида 2021 йил 14 июнда кўриб чиқилиб, қисман қаноатлантирилди.

Натижада Қашқадарё вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси давлат назорат органи ҳисоблангани учун палата аъзоси бўла олмаслиги, палата эса унинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги сабабли Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг даъво аризаси кўрилмасдан қолдирилди.

Иш натижаси бўйича эса Қашқадарё вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан “Uzbekistan gtl” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 69 миллион 743 минг 806 сўм суд харажати, республика бюджетига 139 миллион 448 минг 413 сўм давлат божи ва бошқа суд харажатлари ундирилган.

### ПАЛАТА ЭНДИ ДАЪВОГАР ЭМАС, ЖАВОБГАР...

Бундай вазиятда ҳудудий назорат инспекцияси ҳам шунчаки “тақдирга тан бериб кетмаслиги” аниқ эди. Энди палата судда даъвогар эмас, жавобгарга айланди.

Ҳақиқатан ҳам манфаатини ҳимоя қилиш учун палатага аъзо бўлган ҳудудий инспекция низоининг якуни бундай тугашини билганда давлат божи тўлаб бўлса-да, судга мустақил равишда ўзи даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин эди.

Лекин, энди ҳаммасини бошидан-бошлаш керак, ўйлагандан фойда йўқ, деган фикрда ҳудудий инспекция Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасига нисбатан тарафлар ўртасида 2021 йил 26 январда тузилган аъзолик тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас, деб топилган ва 209 миллион 314 минг 719 сўм етказилган зарар билан жами 213 миллион 792 минг 559 сўмини ундириш юзасидан судда даъволашди.

Суднинг 2021 йил 20 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қисман қаноатлантирилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра жавобгар — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва даъвогар — Қашқадарё вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ўртасида

2021 йил 26 январда тузилган аъзолик тўғрисидаги шартнома ҳақиқий эмас, деб топилди.

Шунингдек, жавобгар — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасидан даъвогар — Қашқадарё вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фойдасига 4 миллион 460 минг сўм аъзолик бадалли суммаси, 209 миллион 314 минг 719 сўм зарар ва суд харажатлари ундирилди.

Қашқадарё вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

### СУД ХУЛОСАСИГА АСОС БЎЛГАН ҲОЛАТ ВА ДАЛИЛЛАР

“Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилот эканлиги, палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурий эканлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан даъво аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ифода этиши, палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган бошқа ташкилот, чет эл компанияларининг ваколатхоналари ва Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилиши кўзда тутилган.

Демак, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси қонунга ва ўз уставига зид равишда аъзоликка қабул қилиш мумкин бўлмаган давлат ташкилоти билан аъзолик битими тузиб, унинг манфаатида судга даъво аризаси киритиб, жиддий хатоликка йўл қўйган.

Бу эса даъвогарнинг аъзолик битимини ҳақиқий эмас, деб топил ва етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво талаби тўлиқ асосли эканлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида, суднинг пировард вазифаси нафақат адолатни ўрнатил, балки низолар келиб чиқишининг олдини олишга ҳам қўмаклашидир.

Албатта, бу билан биз Палатанинг ҳудудий бошқармаси фаолиятига қандайдир маънода баҳо бериш ёки салбий фикр билдиришдан йироқмиз. Фақатгина ҳолисиқ нукта назаридан мана шундай хато ва камчиликларга келгусида йўл қўймаслигини олдини олиш тарафдоримиз, ҳолоқ. Чунки, судлар нафақат низоларни кўриб, ҳал этиши, балки, уларнинг олдини олишга ҳам бирдек қўмаклашиши зарур.

Тақдим этиладиган даъво талабларининг асосли ва кам-кўстисиз, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган бўлиши эса суд учун ҳам, манфаати ҳимоя қилинадиган томон учун ҳам бирдек муҳим ва зарурдир.

Хусан ТУРСУНОВ,  
Усмон ЛАТИПОВ,  
Қарши туманлараро иқтисодий суди  
судьялари

### Савол-жавоб

## Гаровда турган автотранспорт воситамни ижарага беришим мумкинми?

— ТАДБИРКОРЛИК фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўзимга тегишли автотранспорт воситамни гаровга қўйиб банкдан кредит олганман. Гаровда турган автотранспорт воситамни ижарага беришим мумкинми? Ижарага беришда турмуш ўртоғимни розилиги талаб қилинадими?

А.МАНСУРОВ,  
Самарқанд вилояти

— “Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ гаровга олувчи, яъни банк муассасасининг розилиги билан гаровда турган автотранспорт воситангизни ижарага беришга ҳақлисиз. Сиз бошқа тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан биргаликда ижара шартномасини расмийлаштириш учун банкдан ёзма шаклдаги розилик хатини нотариусга тақдим қилишингиз лозим.

Автотранспорт воситангиз турмуш ўртоғингиз билан биргаликдаги никоҳ давомида олинган мулкнинг бўлса, унинг ҳам розилиги талаб қилинади. Агар автотранспорт воситаси никоҳ шартномаси, ҳада ва мерос тариқасида фақат сизга тегишли бўлса, бунда турмуш ўртоғингизнинг розилиги талаб қилинмайди.

## Бу масаланинг ечими қандай?

— Менинг турмуш ўртоғим ҳозирги қунда тоғли ҳудуддаги ҳарбий йўлдош хизмат қилади. Оиламиз эҳтиёжи учун, зарурат туфайли банкка бориб унинг номидаги жамғарма дафтарчасидан пул олоқчи бўлганимда, турмуш ўртоғимнинг номидан ишочнома сўрашди. Лекин, у хизмат қилаётган ҳудудга яқин жойда нотариал идора йўқ экан. Бу масаланинг ечими қандай бўлади?

И.ОМОНОВ,  
Сурхондарё вилояти

— Амалдаги қонунчиликда нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар турлари кўрсатиб ўтилган. Шу жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатлари амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса — илчи, хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчи оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган, лекин автотранспорт воситаларини бошқариш ёки тасаруф қилиш ишончномалари бундан мустасно, эканлигини эътиборга олиш лозим.

## Фуқаро ҳужжатни ўқий ва имзолай олмас...

— Акамнинг кўзи ожиз бўлиб, унинг турмуш ўртоғи номидаги уйни сотилишига нотариал тартибда расмийлаштирилган розилиги талаб қилинапти. Ахир у барибир ҳужжатни ўқий ва имзолай олмайдими. Бу ҳолатларнинг қандай қонуний ечими бор?

А.ШОДИЕВА,  
Навоий вилояти

— Бундай ҳолатлар амалдаги қонунларимизда инobatта олинган. Маълумки, нотариал тасдиқланган битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади. Агар фуқаро жисмоний нуқсонли, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмас, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топширигига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатини ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқлов ёзувга ёзиб қўйилиши лозим.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмас, шунингдек касаллиги туфайли битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни ўқий олмас, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқлов ёзувда қайд этади.

Саволларга Зангиота туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус  
Т.САИДБОЕВ жавоб бери.

ИККИ hafta давомида Глазго шахрида дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб турган иқлим ўзгариши масаласини муҳокама қилишди. Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Тимоти Торлот бизнинг саволларимизга жавоб берди.

— Элчи жаноблари, кузатувчиларнинг қайд этганича, ўтган 25 йил давомидаги музокаралар вазиятнинг яхшиланишига олиб келмагани аён бўлди. Шу муносабат билан, Сизнингча, дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари ниҳоят иқлим ўзгариши бўйича вазиятни яхшилаш борасида бир тўхтама кела олинмади?

— Раҳмат. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммолари билан қизиқадиган ва нафакат ушбу мамлакат, балки бутун дунё учун долзарб бўлган ушбу мавзуда жуда кўплаб дастурлар ва блогларни юритадиган журналист билан суҳбатлашни мен учун ёқимли.

Мен 1993 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий Конвенцияси имзоланганидан бери ҳеч нарсага эришилмади, деган фикрга қўшилмайман. Ўйлашимча, дунё мамлакатлари уни имзолаш учун йиғилганларида бу асосий масала бўлмаган. Узоқни кўрувчи экологлар ва сиёсатчиларнинг кичик гуруҳлари иқлим муаммолари билан шуғулланиб келишмоқда.

2019 йили БМТдаги иқлим ҳаракатлари ҳафталигининг кўрсатишича, энди ҳамма биладиган ва ҳамма тушунадиган ушбу муаммо сайёрамизнинг келажаги учун аҳамиятлидир. Ўйлашимча, анча аниқлашиб бораётган фанга ургу бераётганимиз ҳам бунга сабаб бўлди. Ҳозир ҳеч қим 1993 йилдаги каби антропоген таъсирида иқлим ўзгариши ҳаётга ҳақиқат эканига шубҳа билан қарамайди. Шу боис, иқлим ўзгаришларини инкор этадиган кишилар сони камайиб бормоқда. АҚШнинг ғарбий қирғоқ бўйларидagi ўрмон ёнғинлари ёки Канададаги ўта юқори ҳаво ҳарорати ёхуд Ўзбекистон ва Австралиядagi ўрмон ёнғинлари, бангладешлик фермерларнинг ҳаётга салбий таъсир кўрсатаётган денгиз сатҳининг кўтарилиши каби табиий офатларга кўпроқ дуч кела бошлаганимиз ҳам шунга туртки бермоқда. Бутун дунёда одамлар иқлим ўзгаришларидан азият чекишмоқда, бу ҳол тез-тез содир бўлаётгани эса ташвишланарлидир.

Афсуски, Ўзбекистонда иқлим ўзгариши борасида аҳолининг ҳабардорлиги анча паст даражада. Ёз анча иссиқ бўлиб бораётпти, қиш эса авваллари бўлгани каби совуқ эмас. Бу эса сизлардаги қишлоқ хўжалигини, сувдан фойдаланишни ўзгартириш кераклигини кўрсатаётди. Одамлар иқлим ҳақида кўпроқ нарсани билиши жуда муҳим.

Глазгода янги битим имзоландими, деган саволнингизга жавобимиз “Йўқ албатта”. 2015 йилда Париж битими имзоланган эди. Мақсади-миз 2050 йилга бориб глобал иссиқ даражасининг атиги 2 фоизга ошишига эришишдан иборат. Келгуси ўн йилликда ҳавога CO2 чиқарилишини тўрт мартага камайтиришга эришимиз керак, — демоқчимиз. Биз ушбу мақсадга эриша олинми-мизга ишонамиз ва бу жараёнда иштирок этаёلمиз. Биз, Бирлашган Қироллик бутун дунёдаги мамлакатларни, жумладан Хитой, Ҳиндистон, АҚШ каби ҳавога ис газларини кўплаб чиқараётган йирик манбаларни ҳам, шунингдек, иқлим ўзгаришидан азият чекаётган ривожланаётган мамлакатларни ҳам бу жараёнга жалб этаёلمиз.



## ТИМОТИ ТОРЛОТ: “Ўзбекистон бугунги кунда ёшларнинг иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилишдаги иштирокидан фойдаланиб, таълимга эътиборни кучайтириши керак!” (Суҳбат Глазгода ўтказилган форум чоғида ёзиб олинган.)

Чунки, биргаликда биз кўпроқ нарсаларга эришимиз мумкин. Албатта, бунга бирданига эришиб бўлмайди, бунинг учун вақт керак. Бизда Париж битимига асосланган бир қатор муҳим ташаббуслар бор ва биз уларни Глазгода амалга оширишга ҳаракат қилиб кўраимиз. Кеча биз улардан биринчисини — ўрмон ва ердан фойдаланиш бўйича этакчиларнинг Декларациясини кўрдик. Умид қиламизки, Ўзбекистон ҳам Қозоғистон ва Қирғизистондан ўрнат олиб, бугунги кунда уни имзолаган 110 та давлат сафига қўшилиди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги бир неча ой давомида ўрмонларнинг кесилиши, мамлакатда дарактларни муҳофаза қилиш ҳақида билдирган қатор фикрлари бизга ана шундай умид бахш этади. Ўзбекистон Президенти кўпроқ даракт экнига эътибор қаратаётгани ҳам бизни хурсанд қилади, бу жуда муҳим ташаббус. Green Grid Initiative бўйича тоза энергия ташаббуси ҳам муҳим. Бу Ўзбекистоннинг тоза энергияни илгари суриш борасидаги интилишларига ҳам мос келади. Албатта, биз биламизки, мавжуд инфратузилма қўшилганга билан энергиядан биргаликда фойдаланиш анъанасига асосланган эди. Шу боис, Green Grid ташаббуси Ўзбекистоннинг шахсий интилишларига ҳам таъсир кўрсатишидан умидворимиз. Яна бир оддий усул — кўмирдан тоза энергияга ўтиш. Ўзбекистон электр энергияси ишлаб чиқариш учун у қадар кўп кўмир ишлашмайди. Кўмир ҳавони энг ифослантувчи манба бўлиб, глобал иқлим ўзгаришига, айниқса, қатта таъсир ўтказиши. Шу сабабли ҳам биз тезроқ энергия ишлаб чиқаришни кўмирдан муқобил вариантга ўтказишга ҳаракат қилаёلمиз. Ўзбекистон ҳам бу жараёнга ўзининг сезиларли ва самарали ҳиссасини қўйиши мумкин.

Ўзбекистон бугунги кунда ёшларнинг иқлим ўзгариши муаммосини ечиш борасидаги ташаббускорлиги, содқлиги ва иштирокига таянган ҳолда таълимга эътиборни кучайтириши зарур. Бизнинг авлод

йўл қўйган ҳаётларимиз учун жавобгармиз, ёш авлодга ушбу ҳаётлар мерос бўлиб қолимоқда. Лекин улар барча учун яхшироқ, тозароқ, ҳавфсизроқ бўлган ўз дунёларини яратишлари керак.

— Яхши биламизки, Ўзбекистон иқлим ўзгариши оқибатларига тўла мослашмаган, ҳамда ўтган конференцияларда ривожланаётган мамлакатларга тахминан 100 миллиард доллар ажратиши ваъда қилинган эди, аммо бу ваъда бажарилмади. Нима деб ўйлайсиз, COP 26 дан кейин бу ваъдалар бажарилмади?

— Бир сўз билан айтганда, ҳа, албатта. Менимча, якунига етиб бораётган йилда биз ривожланган давлатлар ажратиши ваъда қилган 100 миллиард долларни бера олмаимиз, аммо кейинги йил бунга эришимиз мумкин. Бу кўп жихатдан COP арафасида давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятлар билан боғлиқ. Янги мажбуриятлар ҳақида гап кетганда, биз конференцияда Президент Байден ва Буюк Британия Бош вазиридан эълон қилинганидан бошқачароқ миқдордаги пул маблағлари ҳақида эшитдик. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тахлили кўрсатишича, 2023 йилга бориб биз 100 миллиард доллар ажрата оламиз. Энг муҳими, ривожланган давлатлар глобал иссиқ оқибатларни бартараф этишга асосий ҳиссани қўшаётганларини англаб етишларида. G20 га кирувчи йигирмата йирик давлат дунё бўйича ҳавога ташламаларнинг тўртдан уч қисmini ишлаб чиқаради, шу боис улар камроқ ривожланган давлатларни иқлим ўзгариши оқибатларидан ҳимоя қилиш ва молиялаштириш мажбуриятини зиммаларига олишлари керак. Оқибатларни юмшатиш, уларга мослашиш, зарарларни қоплаш учун ҳам керак бу нарсани. Covid-19 пандемияси даврида бу, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Чунки Covid-19 ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳлар, хотин-қизлар ва болалар салбий оқибатлардан энг кўп азият чекишини ва зарар

кўришини кўрсатиб берди.

Глазгодан кейин биз зимма-мизга олган мажбуриятларимизни бажаришга ҳаракат қиламиз. Бирлашган Қироллик зимма-мизга олган мажбуриятларимизга содқлигимизни кўрсатиш учун бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни давом эттирамиз.

— Яхши биламизки, иқлим ўзгариши, биринчи галда қурғоқчилик, ёнғинлар, сув етишмаслиги — буларнинг барчаси иқтисодиётга, қишлоқ хўжалигига зарба беради. Иқтисодиётнинг, умуман олганда, давлатнинг ва аҳолининг иқлим ўзгаришига мослашиши жуда муҳим. Сизнингча, бу йўналишда нима-нима қилиш керак?

— Санаб ўтилган табиий офатлар бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳаёт тарзига жиддий таъсир кўрсатади. Менимча, бу ўринда глобал иссиқ оқибатда аста-секинлик билан сувнинг камайиб бориши иқтисодиётга энг кўп таъсир кўрсатади. Сизлар сувнинг қаттагина қисминини Тянь-Шань, Помир тоғларидаги музликлардан оласизлар. Афсуски, сўнгги 20 — 25 йилда ушбу музликларнинг 60 фоизи йўқолиб кетди. Глобал иссиқ давом этадиган бўлса, бу жараён ҳам кучаяди. Оқибатда, бу Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун қатта фалокат бўлади. Бугунги кунда биз дарёлар атрофида сув таъминотидан узилиб қолган фермер хўжалиқларини кўришимиз мумкин. Гарчи, кўпроқ иқлим ўзгариши эмас, балки инсоннинг табиатга ногўғри муносабати оқибати бўлса-да, Орол денгизига нима бўлганига барчамиз гувоҳимиз. У қум бўронларини келтириб чиқармоқда, улар эса ўз навбатида ҳаво, сувнинг сифатига, янаш учун воситаларга таъсир қилмоқда.

Ҳўш, бундай шароитда дунё нима қила олади, Ўзбекистоннинг ўзи-чи? Парижда олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун биз қанчалик тезроқ казиб олинмаган ёқилги ташламалари миқдорини камайтирсак, бу ерда сув манбалари ва анъанавий тириклик воситала-

рини муҳофаза қилиш имкониятига эга бўламиз. Бу дунё учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Сизларда шаклланиш, яратилиш ва мослаштириш босқичида бўлган яшил иқтисодиёт стратегияси мавжуд, бу эса сўғориш ва қишлоқ хўжалиги учун сувдан фойдаланишда қандай йўл тутаётганларини кўздан кечириш имконини беради. Далаларни сўғоришнинг анъанавий усуллари самарали бўлмай қолган ва бунда сувнинг қатта қисми йўқотилади. Канализация сувлари тўла қайта ишланмаслиги боис ҳам жуда кўп миқдордаги сув йўқотилади. Албатта, халқаро ҳамжамият бу борада ердан бериши мумкин. Ўзбекистонликлар мағрур миллат. У асрлар давомида мавжуд шароитга мослашиб келишган, бу борада сизларда қатта тажриба бор. Сизларнинг таълим тизимингиз ёшларга иқлим ўзгариши нималигини, унинг оқибатларини, сув ва энергия манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланишни ўргатишга мослашиши керак. Мен мана икки йилдирки Тошкентда яшайман. Шу вақт ичида йўллардаги автомашиналар сони сезиларли миқдорда ошди. Одамлар каттакўйишнинг ифослантувчи автомашиналардан кўпроқ фойдаланишмоқда. Аммо экологик тоза автотранспорт воситаларига ўтиш учун ҳали ҳам кеч эмас. Ўзбекистоннинг тажрибаси бу ерда қазилма ёқилгидан энергия ишлаб чиқаришдан кўра, қуёш энергияси ва шамол энергиясини ишлаб чиқариш анча арзонга тушишни кўрсатди. Шунингдек, бино ва иншоотларни энергияни кам истеъмол қиладиган қилиб қуришга ҳам эътиборни кучайтириш керак. Буларнинг барчасини қишлоқ хўжалиги, ирригация, транспорт, шаҳарсозликдаги таълимдан бошлаш керак.

— Бугунги кунда бутун дунё жаҳоннинг етакчи давлатлари раҳбарлари иқлим ўзгариши оқибатларини муҳокама қилган Глазгодаги Бутунжаҳон иқлим форумини диққат билан кузатмоқда. Конференциядан сиз нималарни кутмоқдасиз?

— Мен оптимистман. Улғу гоёларни, улғу ташаббусларни ва уларни амалга оширишнинг ижодий усулларини ишлаб чиқиш учун жуда кўп иш қилинди. Албатта, COP Парижда олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш йўлидаги навбатдаги қадам. Париждаги мақсадлар эса — нафакат 2030 йилга бориб ҳавога глобал ташламаларни 30 фоизга камайтириши, балки 2050 йилда ҳавога чиқарилаётган ис газлар миқдорини нолга туширишни назарда тутувчи узоқ муددатли мақсадлардир. Шу боис, Глазгодан умидларим қатта. Ўйлаيمانки, 2050 йилда тоза нолга эришиш учун қатта қадам ташлаймиз. Барчасига бирданига эриша олмаганимиз ҳам ҳақиқат. Лекин Хитой мақолида айтилганидек: “Ҳар бир саёҳат биринчи қадамни ташлашдан бошланади”. Шу боис, биринчи қатта қадам битим имзоланиши йўли билан Парижда ташланган эди, энди ана шу саёҳатимизни давом эттиришимиз керак. Марказий Осиё ҳам дунё билан ҳамқадам эканидан хурсандман.

— Элчи жаноблари, самимий суҳбат учун Сизга ташаккур. Ўйлаيمانки, яқин келажақда аҳолимиз иқлим ўзгариши қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англайди ва Ўзбекистон “яшил” иқтисодиёт йўлига тўлиқ ўтади.

Наргис ҚОСИМОВА  
суҳбатлашди.

**БОЛАЛИГИМИЗДА** бувимиздан мешкобчининг мешини бигиз билан тешиб сув ичган йигит ҳақидаги ривоятни эшитганмиз. Уша йигитнинг отаси бир умр ҳалол яшаган, ўтинчилик қилиб, ҳалол нон топган, ёлғиз ўғлига ҳам ҳалолдан едирган-ичирган, кийдирган экан. Лекин аёлининг биргина хатоси мешкобчининг олдиди чолнинг юзини қора қилган экан. Кампири бир маҳаллар бировнинг ҳақини еганини эслаб, пушаймон бўлган экан. “Мени кечиринг, чол, айб ўғлимизда эмас, айб менда. Мана, мени ўлдириб, менгина гумроҳни ўлдириб. Шу гўдақкинага бошим қоронғилигида бозорга тушдим. Пештахталарда олма-анорлар бирам ялтиллаб турибдики, чидаёлмадим. Битта анорни кўрган киши бўлиб, тўғноғичимни тикдим-да, ўгирилиб, уни яладим. Анорни эса, жойига қўйиб қўйдим...” деб хатосини тан олади юзи шувут бўлган кампир. Анорга қадалган тўғноғич 18 йилдан кейин бигизга айланаб мешни тешган экан. Куйида ёзмишларимиз ҳам шу ҳақда. Жабрланувчи аёл юраги куйиб, бировнинг ҳақидан қўрқмаган онанинг қизи ким бўлади, деб жон куйдириши бекорга эмас...



# АЁЛ ЎҒИРЛИК ҚИЛСА...

Камола Саидова (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1976 йилда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, ажрашган, қарамоғида 2 нафар фарзанди бор, мактабда фаррош бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган... Шу маълумотларнинг ўзиёқ бу аёл ҳақида биринчи таассуротни бера олади, албатта.

К.Саидованинг таржимаи ҳоли билан танишар эканман, қўлимга олган суд ҳукмини ўқимай туриб уйгонган нафратга ўхшаш туйғу қалбимдан бироз чекингандек бўлди. Юрагим юшади. Аммо, ўғирлик қилган, қайта-қайта бу ишни содир этган аёлни оқлаш ўринлими, деган безовта савол ҳаёлимда айланаверди.

Энди эса, мулоҳазага ошиқмай, суд ҳукми билан танишамиз.

Камола тонг сахар уйи яқинида жойлашган С.Эркиновага тегишли дўконга ғайриқонуний равишда кириб нархи 2 миллион 666 минг сўмлик ширинлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда парфюмерия маҳсулотларини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Камола Саидова ўзининг жинойий ҳаракатларини давом

эйтириб, соат тахминан 5:00 лар атрофида тақоран уйининг ёнида жойлашган ўша дўконга яна ўғирликка кириди. У ердан яна нархи 3 миллион сўмга яқин ширинлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда парфюмерия маҳсулотларини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади.

Камола судда ўз айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатмаларига кўра, у дўконга кирверишдаги темир панжара кулфи учун калит ясаттириб олганлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам дўкон эгаси ўғирлик содир этилганлигини билса-да, айбдорни тута олмаган. Камола эса, ҳали тонг ёришмай туриб ўғирланган нарсаларни олиб кетишга улгурган. Бироқ, охир-оқибат у дўкондан буюм ўғирлаётган маҳали Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Дўкон эгасининг судда берган кўрсатмасига кўра, Камола содир этган жинойий ҳаракатлари сабабли дўконга катта моддий зарар etkazган.

Суд мажлисида гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам тингланди. Камола фаррош бўлиб ишлайдиган мактабда ишловчи ўқитувчиларнинг айтишича, у дўкондан ўғирлан-

ган буюмларни сотиш билан шуғулланиб келган. Ундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликларни қаердан олиб келиб сотаётганлигини қизиқиш сўрашганида оилавий этишмовчилик сабабли савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётганлиги, буюмларни бозордан олиб келиб сотаётганлигини айтди. Камоланнинг ўғирланган буюмларига ҳар доим ҳам харидор топилаган.

Суд судланувчи К.Саидовага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ҳамда etkazилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Камола мактабда фаррош бўлиб ишлаб, судда унинг онаси кўрсатма берганидек топланини касалманд фарзандларининг эҳтиёжи учун etkaza олмаган бўлиши мумкин. Бироқ рўзгордаги этишмовчиликлар аёлни қўли эгриликка бошламасин экан. Оқибатда Камола ўғирликни ўзига касб қилиб олди. Шундай устомон бўлиб кетдики, унинг жинойати анча вақтгача очилмади, биров мушугини пишт демади. Ўғирланган буюмларни очиқ-ойдин сотиб

юрди ҳам. Ҳеч ким, ҳатто қўшнис бўлган дўкон эгаси ҳам ундан шубҳаланмаган. Бироқ, дўконга яна қайта ўғирликка тушган одам аёл киши, қўшнилари Камола эканлигини билишгач...

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин экан. Таҳририятга суд ҳукми билан келган жабрланувчи биздан шу мавзуда ёзишимизни сўради:

— Ҳеч ким, айниқса, аёл фарзандини ўғирлик билан боқмасин! — юраги куйиб гап бошлайди жабрланувчи аёл. — Ҳаромдан топилган ҳаромга элтади, ахир! Жиноятчи-ку, жазосини олар, лекин бир хато иккинчисига сабаб бўлади. Ўғирликдан топилган буюмни еб катта бўлган бола ҳам ўғри бўлади. Болаларимизга ёшликдан ҳалол яшашни ўргатайлик, уларни ҳалол меҳнат қилишга бошлайлик. Отам нон ишлаб чиқариш корхонасида нонвой бўлиб ишлаган. Ўзим мактабда ишлаб юриб, тадбиркорлик ишини бошладим. Фарзандларимга ҳам тадбиркорликни ўргатдим. Ўша қўшнимнинг қизлари ўқини битирса, дўконга ишга олмоқчи эдим. Лекин бўлган ишни қаранг...

Дарҳақиқат, асрлар оша яшаб келаётган ўзбекиона қадриятларимиз, ҳаётнинг ёзилмаган тартиб-интизомлари жуда кўп. Тарбия масаласида гап кетганда ҳам, болалардан бировнинг ҳақи бировга буюрмайди, деган гални кўп эшитганмиз. Ердан пул топсанг олма, бировнинг боғида пишган мева-чевани болалик қилиб олиб юрма, у бировнинг ҳақи, қилган ишинг ўғирлик бўлади, болам...

Авваллари ўғирлик қилган одамнинг аввал ўнг қўлини, кейин яна ўғирлик қилса, чап қўлини ҳам кесиб уни жазолашар экан. Токи, у бошқаларга ибрат бўлсин деб! Бугун замон ўзгарди, инсоний мезонлардан келиб чиқиб, жиноят учун жазо турлари ҳам енгиллашди. Ҳалол меҳнат қилиб даромад топиш учун бугун қанча-қанча имконият эшиклаб очилган. Фақат инсоннинг қалбида меҳнатга иштиёқу сабру қаноат, ҳалоллик деган асрий қадрият устун бўлса, бўлган. Ўқоридагилардан хулоса эса, ҳукмингизга ҳавола, азиз газетхон.

**Гулбахор ОРТИҚҲҲАЕВА,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

**ЖИНОЯТНИНГ** тури кўп. Уларнинг келиб чиқиши, мазмуни, манзили турфа хил бўлиши мумкин. Аммо, ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррар. Қинғир ишга кўл урганлар, албатта, қонун олдиди жавоб беради.

## БАРОРИДАН КЕЛМАГАН “ОВ”



Учтепалик Ҳ.Юсупов ҳам ана шундай кишилар тоифасидан бўлиб чиқди. Оилали, бир нафар фарзанднинг отаси илгари ҳам суднинг қора курсисидан ўтирган бўлса-да, ундан тўғри хулоса чиқармагани таассуфли.

“Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас”, дейди доно халқимиз. Ўтган йилнинг қиш ойларида “қахрамонимиз” яна “овга” чиқди. Ўзганинг мол-мулкни қўлга киритиш ва текин бойлик топишни мақсад қилган Ҳ.Юсупов 2020 йилнинг 16 декабрь куни қўшнис М.Аҳмедовдан шифохонага олиб боришни илтимос қилди. Улар бирга касалхонага боришади.

Шундан кейин эса қўшни уи шифохонада қолдириб, ўзи Мировод туманида жойлашган Миллий банк биносига кириб кетади. Ўша вақтда Ҳ.Юсупов банкдан пул олиб чиқаётган кишига кўзи тушиб, уни зимдан кузата бошлайди. Йирик миқдордаги маблағ “Спарк” машинасига жойлаштирилганини кўрган устомоннинг фикру хаёли бирдан ўзгаради. Буни қарангки, шу пайт ҳайдовчи қўшнис ҳам шу ерда пайдо бўлади.

Устаси фаранг текинхўр тезда машинага ўтиргач, қўшнисига “Спарк” ортидан кузатиб боришни айтди. “Мировод деҳқон бозори”га етганда “Спарк” ҳайдовчиси бозорга кириб кетади, Ҳ.Юсупов ҳам “шу ерда қоламан” деб қўшнининг машинасидан тушиб қолади.

Пулни ўмариш вақти келганини англаб етган Ҳ.Юсупов атрофни кузата бошлайди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин купла-кундуз куни уловдаги 10 миллион сўм пулни ўғирлайди. Мақсадига эришгач, 20 дақиқалар яёв юради. Ундан кейин эса яна ҳайдовчи қўшнис М.Аҳмедовни қақиради.

Қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқиши аниқ. Ўзганинг мулкига кўз олайтирган ўғрининг қилмиши ҳам тез орада ошкор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Мировод туман судининг ҳукмига кўра, Ҳ.Юсупов хавфли рецдивист, деб топилди ва узил-кесил 5 йилу 1 ой мuddатга озодликдан маҳрум этилди.

**Рустамжон РАҲМОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Мировод туман суди судьяси

### ЭЪЛОН

Адвокатлар Оразулов Бахтиёр Оразулович Наманган вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Учқўрғон туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи лавозимига ҳамда Аҳмедов Тоҳиржон Наманган вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Минбулоқ туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази бош мутахассисини лавозимига тайинланган, уларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган иш даврига тўхтатилганлиги сабабли, адвокатлар Б.Оразулов ва Т.Аҳмедовларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

“Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири, таниқли ижодкор, устоз журналист **Азим ҚОДИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

### Инсон ва қонун

МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

### ТАҲРИРАТ ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шеразд Миржалипович  
Тоқиев Фурад Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмадан тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Ёрбек Искандаров

Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000  
Буюртма — V-4931

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 20:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоқис қилинган нархда

1 2 3 4 5



**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист



# ҲАММА ҚАЕҚҚА УЧАЯПТИ?

**ҲИКОЯ**

**С**амолёт ҳавога кўтарилаяпти — Тошкентдан Нукусга учаяпти. Ана, ҳаво лайнерининг “оёғи” ердан узилди.

“...Ғалвир тешиқларидан сизиб кирган каби қоронғуликни тилкалаган нур ришталарига қоришиб кетган самовот қаърини кузатиб турган ўзга сайёраликлардан бирининг нигоҳига ёғду урилди. У ҳайрон бўлди, бу чексизликни кесиб ётган қанча-қанчалаб нур синиқлари ичра айнан шуниси унинг кўзларига қадалгани таажубли. Миллион йилда бир бора само навбатчилигида турадиган тубсиз коинотнинг бир бурчидаги мавжуд абад алптемир ўзга сайёраликлар учун жуда ғалати эди бу.

Ахир, ер деб аталмиш ушоқ бир сайёрада миллиардлаб кимсалар яшайди, кўпаяди, ўзларича турли хил ихтиролар қилади, баландликка ракета-ю самолётлар учуришади, гўёки мавжуд оламни ҳам ўзимизники қиламиз деб ўйлашади, гоҳида бир-бири билан қирқпичок бўлиб, шу, ўзларига таянчу бошпана бечора заминга сиғмай қолишади. Юзи шувут замин эса буларнинг кўргуликлари, бадафс ва ипирсиқликлари учун ҳамisha хижолат тортади. Нобоп қавм — одамзотнинг хунхор ва қора қилмишлари учун бошқа сайёралар олдида минг бир хижолатда азоб чекади. Бир қултум сув ва бир бурда емакка қорни тўядиган бу қавмга берилган замин у шунчалар торлик қилиб қоладики, ҳайронман, бу ожизу нотавонлар ердан ҳам қувилишса қаерга сиғишаркин?..”

Коинот тубидаги ўзга сайёралик алптемирнинг қудратли тафакрурида чарсиллаган бу фикрни унинг шериги, самоватнинг катта навбатчиси дарҳол илғадди.

**Катта алптемир:** — Хуув ана, тубанликдаги нур-чизиклар ерликларнинг самолётларини?

**Кичик алптемир:** — Шундай. Бериқоқдагилари эса, ана, онда-сонда ажралиб қоладиганлари космик кемалар...

**Катта алптемир:** — Хув анави нур, ҳа, ўша сенинг кўзингни қамаштирди-а? Менга ҳам ғалати туюлди.

**Кичик алптемир:** — Бориб билиб келайми?

**Катта алптемир:** — Шартмас. Мен билдим. Фақат бир нарсани англай олаяман. Нега самоучардан чиққан айнан шу нур бизгача етиб келаяпти.

Ониятда кичиги ахборот берди.

**Кичик алптемир:** — Бордим. Билдим. Кўрдим. Самоучар Тошкентдан кўтарилди. Нукусга учаяпти. Ундаги ерқавмининг бари қўлидаги телефонга термулишиб, ўша матохчасига еб қўйгудай бўлиб қарашиб, ичига кириб кетишган. Ҳа, улар бу оламдан ташқарида.

**Катта алптемир:** — Бу нима деганинг?

**Кичик алптемир:** — Бу хавфли. Улар оламдан ташқарида ўз оламини яратиб олишган. Айтсам, қулмайсанми?

**Катта алптемир:** — Йўқ.

**Кичик алптемир:** — Буни телефон олами дейишадими?

**Катта алптемир:** — Чиндан ҳам хавфли кашфиёт.

**Кичик алптемир:** — Энди улар қўлидаги шу шайтонийнага термулиб бир-бирини ғажийди, ҳақоратлайди, ўлдирадилар ҳам.

**Катта алптемир:** — Буни биламан. Лекин ўша самоучардан бошқача нур таралди. Буни ўзинг ҳам сездинг. Мен шунга ҳайронман.

**Кичик алптемир:** — Бордим. Кирдим. Кўрдим. Фақат бир қария қўлини дуога очиб, оламларни Яратгувчидан одамларга инсоф тилаб, одамлар ва ўзининг гуноҳини кечиришни сўраб илтижо қилаяпти. Унинг кўнглидан отилиб чиққан сўзлардан

таралган ёғду бизгача етиб келаяпти. Яна бир еродам эса аллақандай китобни берилиб ўқияпти. Унинг ҳам қалбидан теран ва учқур ёғду отилиб чиқаяпти. Бизгача етиб келган ёруғлик манбаи шулар. Улар жуда хавфсиз, ишонавер.

**Катта алптемир.** — Ердан бизгача етиб келадиган нур бор экан, нега улар ана шу нурларга хайрихоҳ эмас. Нега бутун бошли самоучардан мана шу икки еродамдан бошқалар коинот ва оламни ёритадиган нурни йўқотиб қўйишган?

**Кичик алптемир:** — Уларнинг қўлидаги шайтонтефон еб тугатди ўша нурларни.

**Катта алптемир:** — Демак, уларни самоучарига қўшиб зимистонлик қаърига улоқтириб юбориш пайти келмадимми?

**Кичик алптемир:** — Шовшилма. Шундоғам улар ўзларини ўзлари ғажиб адо қилишади. Нур сўнган юракларда ёвузлик ва нафрат учрайди.

Сенга яна бир гап айтмайми, ишонмасанг, ўзинг уларнинг олдига шўнғиб кўр.

**Катта алптемир:** — Қизиқ. Ерга яқинлашиб қайтгач ўзинг ҳам иккиланадиган, сирли гапирадиган бўлиб қолдинг-а?

**Кичик алптемир:** — Кесатма. Мен самоучарга яқинлашишга анча қийналдим. Чунки ҳалиги икки еродамнинг кўнглидан таралган эзгу нур мени анчагача яқинлаштирамай турди. Ҳа, ўша эзгу нур мени ёвузлик ёки фалоқат деб ўйлади. Нурнинг ўйлагани, фикрлагани мени ҳайратга солди.

**Катта алптемир:** — Демак, шўрлик заминни мана шундай эзгу нурлар асраб турибди де.

**Кичик алптемир:** — Ҳа. Эсингдами, ўтган галги нав-

батчилар ҳам тубсизликда урвоқдай учаётган ёнарқурт — самоучарларга ғажиб келиб ерга офат юбормоқчи бўлганида, ўша бало-қазолар ярим йўлдаёқ йўқ бўлиб кетувди.

**Катта алптемир:** — Яна илмоқли гаплар қилаяпсан-а?

**Кичик алптемир:** — Мен самоучарга яқинлашаётганимда бир ғаройиб нарсани кўрдим, пастда, тубанликда, ернинг қоқ юрагидан ҳам шундай ёрқин нур сачраб, борлиқни қамаштираётганининг гувоҳи бўлдим. Бу нима эди, биласанми?

**Катта алптемир:** — Хўш?

**Кичик алптемир:** — Ер қавмининг улуғлари ётган қабрлар эди. Ерликлар Осие деб айтадиган ҳудуднинг улуғлари кўмилган мазорлардан ҳам ловуллаб нур таралмоқда эди. Улар фалакни, самовотни ушлаб турганини ҳис қилдим.

**Катта алптемир:** — Ўша жой қандай аталади? Ерликлар ерни бўлиб-бўлиб олиб, ўзларича чегара тортиб, ҳатто номлаб ҳам олишган-ку.

**Кичик алптемир:** — Бу жойни Ўзбекистон дейишади. Ҳа, буюк даҳолар ўтган тупроқ бу. Уларнинг қабрларидан отилган нур бутун заминни асраб турганини шу тупроқ тепасидан ўтаётган анови самоучардаги гумроҳлар билишмайди. Афсус, улар, йўқлик чоҳи сари қулаб кетаётганини сезишмапти.

**Катта алптемир:** — Ер бекорга тебранмас эканда-а? Бехудага аҳён-аҳёнда довуллари тўфонларни чақирмас экан-да. Демак, ўз бағридаги кўрқалб, гумдонфеълларни уй-фотиш учун шундай қиларкан...

**Кичик алптемир:** — Ҳа, ерга яқинлашганимда яна

бир нарсдан воқиф бўлдим. Яхшиям воқеликни олдиндан кўра билиш қудратимиз бор. Ҳалиги адибнинг кейинчалик ёзиладиган асарини тасаввур қилдим ва қўлидаги жумлаларни ўқидим: **“Бизни суяб турган тўрт устун бор эди. Соғинч, дийдор, меҳр, оқибат. Бу тушунчалар ҳам қўлтелефон ойнаси билан тўсилди. Улар осмонни суяб турган устунлар эди. Кейинчалик бизнинг ҳаётимиз қандай кечаркан?”**

**Катта алптемир:** — Ҳозир қараб айтаман, (у чексизликда милтиллаб турган юлдузга термулади) уларнинг юз йили бизнинг бир лаҳзамиздан ҳам қисқа экан.

**Кичик алптемир** (у ҳам ўша юлдузга боқиб): — Хўш, мана, мен кўраялман.

**Катта алптемир:** — Нимани кўраяпсан?

**Кичик алптемир:** — Ордан юз йил ўтди. Куз ойлари. Бир жувон қўлидаги қўлтелефонга турмушга чиқаётгани ҳақида хабар тарқалди.

**Катта алптемир:** — Бас қил!

**Кичик алптемир:** — Хўп! Ахир ўзинг сўрадинг-ку...

...Самолёт эса Тошкентдан Нукусга учар. Иллюминатор ойнасидан кўз ташлаган адиб қўлидаги китобни ўриндиқ чўнтагига солди-да, ёнидан қоғоз олиб ёзиб қўйди: **“2121 йил, 21 октябрь... шаҳрида яшовчи жувон қўлтелефонга турмушга чиқишини маълум қилди...”**

Бу унинг энди ёзилажак романининг якуни эди.

Самолёт учаяпти. Ҳамма қўлидаги шайтонматохдан бош кўтармайди, фақат бир қария ва бир адибдан бошқа ҳамма! Самолёт эса учаяпти. Ҳамма учаяпти. Учаяпти. Учаяпти... Қаёққа?!